

Special Issue on “Innovative Economy: Challenges, Analysis and Prospects for Development”
Published in Aug-2021


Foreign Experience on the Use of Cash-Free Account Forms and Possibilities of Using it in Practice in Uzbekistan

Normamatov Ikhtiyor Bakhtiyorovich 1

Аннотация.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларининг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Мақолада Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, нақд пулсиз ҳисоб-китоб, хужжатлаштирилган аккредитив, чек, тўлов топшириқномаси, ликвидлилик, , тўлов мажбурияти, банк кафолати



1 Senior Lecturer of Department of Innovative Economics at Karshi Institute of Engineering and Economics

Кириш. Бир қатор тарақкий этган ва ривожланаётган мамлакатларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасида катта тажриба тўпланган.

АҚШда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари орқали тўловларни амалга ошириш тартиби Ягона тижорат кодекси (Unified Commercial Code) билан тартибга солинади. Мазкур Кодексга кўра, улар қуидаги тўрт белгига эга бўлишлари керак:

- улар маъсул шахснинг имзоси мавжуд бўлган ёзма хужжат ҳисобланади;
- унда маълум микдордаги суммани тўлаш бўйича сўзсиз буйруқ ёки ваъда акс этади;
- тўлов хужжатда кўрсатилган шахсни ёки хужжатни тақдим этувчининг фойдасига амалга оширилади;
- тўлов талаб бўйича ёки маълум санага амалга оширилади¹.

АҚШ амалиётида чеклар ва хужжатлаштирилган аккредитивлардан нисбатан кенг фойдаланилади.

АҚШ Автоматик клиринг палатасида чеклар бўйича тўловларни амалга ошириш қуидаги тартибга эга:

- тўловни олувчи тўлов ташаббускорига пул маблағини унинг ҳисобрақамига ўтказишга рухсат беради;
- тўлов ташаббускори тўлов тўғрисидаги маълумотни банк орқали Автоматик клиринг палатасининг операторига жўнатади;
- клиринг палатасининг оператори маълумотни таҳрир килади ва тўловларни тартибга солиш учун янги хужжатни шакллантиради ва уни қабул пунктига жўнатади;
- қабул пункти тўлов сўровномасини банкка жўнатади;
- Автоматик клиринг палатаси оператори ҳисоб-китобни амалга оширади².

1.1-жадвал

АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакциялар сони ва суммаси³

Тўловларнинг таркиби	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2016	2017	2018	2019	2020	
Трансакциялар сони, минг дона	148 142	152 649	158 430	167 650	184 010	124,2
Трансакциялар суммаси, млрд. АҚШ доллари	766 961	740 096	716 211	695 835	840 483	109,6

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016-2020 йилларда АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган

¹Усоқин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 143

²Bradford T., Matt Davies, Weiner E. Payment Systems. – Fed. Kansas City, 2003.

³ Жадвал муаллиф томонидан www.federalreserve.gov сайти (АҚШ Федерал захира тизими) маълумотлари асосида тузилган.

трансакциялар сони ўсиш тенденциясига эга бўлган.

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016-2019 йилларда АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакциялар суммаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакцияларнинг умумий сонида йирик тўловларнинг сонини ошганлиги билан изоҳланади.

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакцияларнинг сони ва суммаси 2020 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шархи. АҚШ банклари амалиётида ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг энг кенг қўлланиладиган шакли стэндбай аккредитиви бўлиб, аккредитивларнинг қопланган шакли қўлланилмайди.

Молиявий назоратчининг 1977 йилдаги низомига кўра, “банкларнинг тўлов бўйича мажбурияти фақат ҳужжатлар ёки тратталар тақдим этилганда юзага келади, аккредитивда кўзда тутилганидек, банклар битимлар бўйича юзага келадиган баҳсларга ёки буйруқ берувчи ва бенефициар ўртасида юзага келадиган юридик баҳсларга аралашмаслиги керак”⁴.

Стэнд-бай аккредитивлари орқали қўйидаги тўловлар кафолатланади:

- *тақдим қилиниши билан тўланиши лозим бўлган векселлар бўйича тўловлар;
- *банк кредитларини қайтариш;
- *етказиб берилган товарларнинг пулини тўлаш;
- *кўрсатилган хизматларнинг пулини тўлаш.

Таҳлил ва натижалар. Стэнд-бай аккредитиви бошқа аккредитивлардан фарқли ўларок, тўловни таъминлашнинг мослашувчан ва универсал инструменти ҳисобланади. Масалан, стэнд-бай аккредитив инкассо ва тўлов топшириқномалари билан ҳисоблашишда экспортёр учун тўловнинг қўшимча таъминоти сифатида ишлатилиши мумкин.

Шунингдек, стэнд-бай аккредитиви экспортёр томонидан ташқи савдо шартномалари шартлари бажарилмагандан импортёр томонидан олдиндан тўланган суммани, ташқи савдо шартномасида кўзда тутилган жарималарни қайтаришни таъминлашда қўлланилиши мумкин.

Стэнд-бай аккредитиви бўйича банклар томонидан тўлов бенефициар томонидан тратта тақдим қилинганда ёки буйруқ берувчи тўловни амалга оширганлигини тасдиқловчи маҳсус ҳужжатлар тақдим қилинганда амалга оширилади. Бунда банк тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши шарт эмас.

Стэнд-бай аккредитивлар UCP-600 қоидасига (Ҳужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича халқаро умумлаштирилган қоидалар ва удумлар) бўйсунади.

⁴ Gable, Law & Policy Internal. Business 1980. – 915 р.

UCP-600 қоидасига кўра:

- *стэнд-бай аккредитивда банк томонидан тўлов фақат тўловчи тўловга ноқобил бўлиб қолганида амалга оширилади;
- *стэнд-бай аккредитивлари таъминланмаган кредитлар ҳисобланади;
- *стэнд-бай аккредитив бўйича тўлов амалга ошиши учун бенефициар аризадор (апликант) тўловни амалга оширмаганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим қилиши керак⁵.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклидан кенг фойдаланилади. Бунда инкассонинг ҳар иккала туридан фойдаланилади:

- *соф инкассо;
- *хужжатли инкассо.

АҚШ амалиётида қўлланилаётган инкассо шакли Инкассо бўйича умумлаштирилган қоидаларга (URC) бўйсунади.

URCга кўра:

- *соф инкассода фақат тўлов хужжатлари банклар томонидан инкассога қабул қилинади;
- *хужжатли инкассода фақат тижорат хужжатлари ёки тижорат хужжатлари тўлов хужжатлари билан биргаликда инкассога қабул қилинади;
- *инкассода сотувчининг банки ҳам, тўловчининг банки ҳам тўлов юзасидан кафил ҳисобланмайди;
- *инкассода хужжатлар акцептга қарши ва хужжатлар тўловга қарши тўлов шартлари қўлланилади;
- *инкассода тижорат банклари товар хужжатларини тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш мажбуриятига эга эмас. Улар фақат олинган хужжатларни инкассо топшириқномасида кўрсатилган хужжатларга мос келишини текширишади;
- *инкассо қилувчи банкка қўйидаги вазифалар юкланган:

- хужжатларни текшириш;
- олинган кўрсатмаларнинг мувофиқлиги ва ишончлилигини текшириш;
- ремитент-банкка хужжатларни олинганлигини тасдиқлаш;
- ремитент-банкнинг кўрсатмаларидағи ноаниқликлар бўйича сўров жўнатиш;
- тўловчини инкассо шартларидан хабардор қилиш;
- инкассо шартлари бажарилгунга қадар хужжатларни ўзида саклаб туриш;
- тўловчининг топшириғига асосан тўловни ўз вақтида амалга ошириш⁶.


АҚШда тижорат векселлари муомаласини ривожланганлиги соф инкассодан фойдаланиш кўламини кенгайтириш имконини беради. Айниқса, ўтказма тижорат векселларидан (тратта) фойдаланиш кўлами кенг.

⁵ Uniform Custom sand Practice for Documentary Credits. ICC.Publisation № 600. – Paris 1 Jule 2017. – 56 p.

⁶ Uniformed Rules for Collection. ICC. Publication № 500. www.iccwbo.org.

Гарчи, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклида банкларнинг тўлов юзасидан кафолати бўлмаса-да, ушбу шакл тўловчини тўловни ўз вақтида амалга оширишга мажбур қиласди. Бунинг сабаби шундаки, тўлов амалга оширилмагунга қадар банк тўлов хужжатларини тўловчига бермайди. Бу эса, тўловчини товарни портда, темир йўл станциясида ёки божхона омборларида туриб қолганлиги учун катта миқдорда жарима тўлашига сабаб бўлиши мумкин.

Биз қўйида Россия Федерациясининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини таҳлил қиласмиз ва унинг ўзига хос хусусиятларига баҳо берамиз.



1.1-расм. Россия Федерациисида тижорат банклари мижозларининг нақд пулсиз тўловлари ҳажми⁷, трлн. сўм

1.1-расм маълумотларидан кўринадики, 2015-2019 йилларда Россия Федерациисида тижорат банкларининг мижозлари томонидан амалга оширилган нақд пулсиз тўловлар ҳажмини ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, мазкур даврда Россияда ЯИМ ҳажмининг ўсганлиги билан изоҳланади. Россияда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати сўнгги йилларда қўйидагича бўлди:

- *2016 йилда – 0,3 %;
- *2017 йилда – 1,8 %;
- *2018 йилда – 2,5 %;
- *2019 йилда – 1,3 %⁸.

ЯИМнинг ўсиш суръатларини кузатилиши корхона ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган нақд пулсиз тўловлар ҳажмининг ошишига олиб келади. Чунки, товарлар ва хизматлар ҳажмининг ошиши уларга хизмат қиласидан пуллар ҳажмини ошишига олиб келади.

⁷Расм мувалиф томонидан www.cbr.ru сайти (Годовой отчет Банка России) маълумотлари асосида тузилган.

⁸ Российская экономика в 2019 году. Тенденции и перспективы. (С. 22). www.iep.ru (Е.Гайдар номидаги иқтисодий сиёсат институти).

Таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси бутун дунёда хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини кескин заифлашувига олиб келди. Бу эса, уларнинг маҳсулотларни сотишдан ва хизматлар қўрсатишдан олинадиган тушумларининг кескин камайиб кетганлиги билан изохланади.

Коронавирукс пандемиясининг кенг тарқалиши натижасида дунё мамлакатларида кўпчилик компаниялар, биринчи навбатда, авиакомпаниялар, транспорт ва туризм соҳасидаги бизнес субъектлари, меҳмонхоналар, ноозик-овқат истеъмол товарлари чакана савдоси, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқа хизмат қўрсатувчи ташкилотлар зарар кўрди⁹.

Bloomberg нашри баҳоларига қўра, дунё бўйича пандемия сабабли кўрилган заарлари миқдори ҳозирнинг ўзида 5 трлн. АҚШ долларига етди. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига бўйича дунёning савдо ҳажми 2020 йилда йилда 30 фоизга қисқаради. АҚШнинг Федерал захира тизимининг маълум қилишича, мамлакатда саноат ишлаб чиқариши март ойида 5,4 фоизга тушиб кетган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 фоизга пасайган, бу 1946 йил январдан кейинги энг кучли пасайиш бўлган¹⁰.

Хулоса ва таклифлар. Коронавирус пандемиясининг юқорида қайд этилган оқибатлари нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётига нисбатан салбий таъсир қўрсатди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари қўрсатдики:

- тарақкий этган мамлакатларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан комплекс фойдаланишни йўлга қўйилганлиги ва банкларнинг ликвидилигини таъминланганлиги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади;
- 2016-2020 йилларда АҚШнинг Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакциялар ҳажмининг ўсганлиги, Fedwire тўлов тизими орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари воситасида амалга оширилган трансакцияларнинг сони ва суммасини 2020 йилда 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисбланади;
- АҚШ банклари амалиётида хужжатлаштирилган аккредитивларнинг энг қўлланиладиган шакли стэнд-бай аккредитиви бўлиб, аккредитивларнинг қопланган шакли қўлланилмайди;
- АҚШ амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг инкассо шаклиниң ҳар иккала туридан – соф инкассо ва хужжатли инкассодан кенг фойдаланилади;
- 2015-2019 йилларда Россия Федерациясида тижорат банклари мижозларининг кредитли узатмалари миқдорининг ўсиш тенденциясини кузатилганлиги ва мазкур узатмалар миқдорини 2019 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги

⁹ Додиев Ф.У. Пост пандемия шароитида банклар инвестиция фаолиятини ривожлантириш//Молия ва банк иши. – Тошкент, 2020. – №2. – Б. 36.

¹⁰ Тошматов Ш.А. Коронавирус пандемиясининг жаҳон иқтисодиётига таъсири ва уни Ўзбекистонда жиловлашда солик имтиёзларининг аҳамияти//Молия ва банк иши. – Тошкент, 2020. – №2. – Б. 422.

ушбу даврда тўлов топшириқномалари ва хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга оширилган тўловларнинг ўсиш суръатларига эга бўлганлиги билан изоҳланади;

- Россия Федерациясида 2015-2019 йилларда тижорат банклари мижозларининг дебетли узатмалари микдорини жуда кичик бўлганлиги тўлов талабномаси ва инкассо воситасида амалга оширилган тўловлар ҳажмининг мазкур даврда кичик салмоққа эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766).
2. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕЛАНД, 2019 – С.148-149.
3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. 2020. (Б. 195)//www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси).
4. Косой А.М. Платежный оборот: исследования и рекомендации. Монография. – М.: КНОРУС, 2012. – С. 31-32.
5. Прокофьев А.В, Татьянников В.А., Прокофьева. Новые инструменты безналичных расчетов: специальные банковские счета//Известия Байкальского государственного университета. – Иркутск, 2017. – №3. – С. 411-418.
6. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2018 – Б.28.
7. www.federalreserve.gov сайти (АҚШ Федерал захира тизими) маълумотлари.
8. www.cbr.ru сайти (Годовой отчет Банка России) маълумотлари.
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида//Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 03/19/578/3986-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сонли “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда 3229-рақам билан рўйхатдан ўtkazilgan)//Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2020 й., 10/20/3229/0455-сон, 07.09.2020 й., 10/20/3229-1/1259-сон.
11. Тўлов тизими. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).